

## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2024 йил октябрь ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Авезов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизилтепа туман прокурори ёрдамчиси Д.Шавкатов, жабрланувчининг қонуний вакиллари М.Ҳосилова ва А.Курбановнинг иштирокида Бахромов Ислон Бахтиёр ўғлига оид 1-2105-2401/132-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Бахромов Ислон Бахтиёр ўғли (Вахромов Ислон Бахтиёр о'ғ'ли),** 2000 йил 9 январда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Касби тумани, “Юксалиш” МФЙ, “Мустақиллик” қишлоғи, 26-уйда яшайди, 2024 йил 26 август куни соат 21:50да ЖПКнинг 221-моддасига асосан ушланган, иш бўйича 27.08.2024 йилда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.08.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакиллари ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Бахромов, 2024 йилнинг 29 июль куни соат 21:30ларда бошқарувидаги “Кобальт” русумли, 70X/356YA давлат белгили автомашинада Қизилтепа тумани, “Ғойибон” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи М-37 автомобиль йўлидан “Навоий-Бухоро” йўналиши бўйича ҳаракатланиб, ушбу йўлнинг 207 км.га келганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2022 йилдаги 172-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик бандида “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати катнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”лиги, 77.1-банди “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серкатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт



воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, хайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги ҳамда 135.4-банди “Кўзи қамашган хайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак”лиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан, ушбу қоидаларни бузиб, қарама-қарши йўлдан ҳаракатланиб келаётган автомашинани узоқни ёритувчи чироқлари кўзини қамаштирган бўлса-да бошқарувидаги автомашинани авария ишорасини ёқмасдан, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезлигини пасайтириб, автомашинани тўхтатмасдан ҳаракатланишда давом этганлиги боис, ўзига нисбатан йўлнинг чап томон йўл марказида мавжуд бўлган бетон тўсиқдан йўлнинг ўнг томонига пиёда кесиб ўтаётган О.Қурбоновни бошқарувидаги машинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл-улов ҳодисаси содир қилганлиги натижасида О.Қурбонов РСТЭИАМНФ Қизилтепа туман СТЭБнинг 23.08.2024 йилдаги 658-сонли хулосасига кўра “Ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” олиб, шифокорлар томонидан кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан 02.08.2024 йилда Гиждувон туман Тиббиёт бирлашмасининг “Жонлантириш” бўлимида вафот этган.

Судланувчи И.Бахромов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йилнинг 21 июль куни Қизилтепа туманига қурилиш ишларида ишлаш мақсадида келиб, 1 нафар шериги билан Қизилтепа тумани “Зиёкор” маҳалласидаги мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишларида ишлагани, 2024 йилнинг 29 июль куни соат 21:30ларда ўзига тегишли “Кобальт” русумли, 70X/356YA давлат рақамли машинасини бошқариб, Қизилтепа туман “Ғойибон” маҳалласи ҳудудидаги М-37 автомобиль йўлида жойлашган АЁҚШдан машинасига ёқилғи қуйиб, ўзи ишлаётган “Зиёкор” маҳалласи томон ҳаракатлангани, бошқарувидаги машинада М-37 автомобиль йўлидан “Навоий-Бухоро” йўналиши бўйича тунги вақт бўлгани сабабли машинанинг яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб ҳаракатлангани, ўша вақтда бошқарувидаги машинада бирор-бир йўловчи йўқлигини, автомашинасини бошқариб кетишда қарама-қарши йўналишидан, яъни “Бухоро-Навоий” йўналишидан автомашина узоқни ёритувчи чироқлар ёрдамида ҳаракатланиб кела бошлаганлигини, ушбу автомашина узоқни ёритувчи чироқлари ёрдамида ҳаракатланиб келганлиги сабабли тахминан 50-60 метрдан кўзини қамаштиргани, шу вақтда у йўлни кўра олмасдан қолгани сабабли йўлни кўра олмасдан бошқарувидаги машинасини тахминан 4-5 секунд давомида кўзи қамашган ҳолатда бошқарганлигини, аммо ўша вақтда бошқарувидаги машинасини тормозламагани, унга қарама-қарши томондан узоқни ёритувчи чироқлари билан ҳаракатланиб келаётган автомашина ўтиб кетганидан сўнг йўлга қараганда йўлнинг чап томонидан ўнг томонига қараб кесиб ўтаётган пиёдани *(кейинчалик уни исми шарифи О.Қурбонов эканлигини билган)* тахминан 2 метр масофа қолганда кўрганлигини, кейин у машина тормоз тепкисини босганлиги аммо йўлдан ўтаётган О.Қурбоновни уриб юборганлигини, кейин у машинадан тушиб қараганда машинасида уриб юборган О.Қурбонов хушсиз ҳолатда ётганлигини



кўрганлиги ва унга ёрдам бериш мақсадида “103” қисқа рақамига телефон қилиб, тез ёрдам чақириб, тез ёрдам машинасида тиббиёт бирлашмасига олиб борганлигини, ИИБ ЙХХБ ходимлари етиб келганидан сўнг улар билан қайтиб ҳодиса содир бўлган жойга келганлигини, кейин ЙХХБ ходимлари содир этган йўл-улов ҳодисаси юзасидан уни иштирокида воқеа жойини кўздан кечирганликларини, ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар билан танишиб, имзолаб берганлигини, 2024 йилнинг 2 август куни бошқарувидаги машинада уриб юборган О.Қурбонов Ғиждувон туманидаги Тиббиёт бирлашмасининг “Жонлантириш” бўлимида вафот этганлигини, воқеа содир бўлиш вақтида бошқарувидаги автомашинани тезлиги тахминан 50-60 км/соат тезликда эканлиги, содир этган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олган О.Қурбоновни ҳаётлиги вақтида оила аъзолари имкон даражада дори-дармонларни олиб бериб, унинг аҳволидан хабар олиб турганликларини, аммо ўзи кўрққанлиги сабабли жабрланувчи О.Қурбоновни олдиға бормаганлиги, шунингдек, О.Қурбонов вафот этганидан сўнг унинг таъзия маросимларига иштирок этмагани, аммо оила аъзолари иштирок этганлиги, қилган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонда эканлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчи И.Бахромовнинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, одам ўлимига сабаб бўлишда ифодаланган жиноятни содир қилганликдаги айби, суд мажлисида айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатуви-дан ташқари, суд мажлисида тўпланган қуйидаги далиллар, яъни:

жабрланувчи О.Қурбоновнинг қонуний вакили М.Ҳосилова судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида вафот этган О.Қурбонов унинг турмуш ўртоғи эканлиги, 2024 йилнинг 29 июль куни турмуш ўртоғи О.Қурбоновни Қизилтепа туман, “Ғойибон” маҳалласи ҳудудида йўл-транспорт ҳодисасига учраганлигини эшитиб, зудлик билан Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмасига борганлигини, шифокорлар томонидан кўрсатилган ёрдамга қарамасдан турмуш ўртоғи О.Қурбонов 2024 йилнинг 2 август куни вафот этганлигини, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар қоплаб берилмагани, шу сабабли 4 ёшга тўлган фарзанди вояга етгунига қадар, яъни 18 ёшга тўлгунига қадар унга нисбатан судланувчи томонидан алимент тўлаб боришини, шунингдек, судланувчидан унга етказилган моддий зарар сифатида 100.000.000 сўм ҳамда маънавий зарар сифатида эса 40.000.000 сўм ундириб беришни ҳамда унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви;

жабрланувчи О.Қурбоновнинг қонуний вакили А.Қурбанов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида вафот этган О.Қурбонов унинг акаси эканлиги, 2024 йилнинг 29 июль куни ўз ишлари билан юрганда кимдир унга кўнғироқ қилиб, акаси О.Қурбонов йўл-транспорт ҳодисасига учраганлиги тўғрисида айтганлиги, сўнгра у тиббиёт бирлашмасига борганлигини, акаси О.Қурбонов 2024 йилнинг 2 август куни тиббиёт бирлашмасида йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган тан жароҳати билан вафот этганлигини, кейинчалик у фуқаролардан акаси О.Қурбонов Қизилтепа тумани “Ғойибон” маҳалласи



худудидан ўтган М-37 автомобиль йўлидан пиёда кесиб ўтаётганда “Навоий-Гиждувон” йўналишида ҳаракатланиб келган “Кобальт” русумли автомашина уриб юборганлиги тўғрисида эшитганлиги, акаси О.Қурбонов ҳаётлик вақтида ўз ҳисобидан сотиб олган дори-дармонларни касса чекларини судга тақдим этишлигини, аммо бошқа сотиб олган дори-дармонларни касса чекларини ўзида сақлаб қолмаганлигини, судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида янгаси М.Ҳосилованинг кўрсатувини тасдиқлаб, шу миқдордаги зарарни ундириб беришликни ва судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви;

гувоҳ Э.Қурбонов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, 2024 йилнинг 29 июль куни ўз ишлари билан Қизилтепа туман, “Ғойибон” маҳалласи худудида юрганда ИИБ ходимлари уни тўхтатиб, бир ишда холис сифатида иштирок этишни сўраганликларини, кейин у ИИБ ходимларига иштирок этишга рози эканлигини айтиб, ИИБ ходимлари яна бир кишини холис сифатида таклиф қилишиб уларга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, 2024 йилнинг 29 июль куни И.Бахромов бошқарувидаги “Кобальт” русумли, 70X/365YA давлат белгили машинада Қизилтепа тумани худудидан ўтувчи М-37 автомобиль йўлидан “Навоий Бухоро” йўналиши бўйича ҳаракатланиб, ушбу йўлнинг “Ғойибон” маҳалласи худудига келганда ўзига нисбатан йўлнинг чап томонидан ўнг томонига йўлни кесиб ўтаётган пиёда О.Қурбоновни машинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл-улов ҳодисаси содир қилганлигини маълум қилишиб, уларни иштирокида воқеа жойини кўздан кечирганликларини, кўздан кечириш давомида автомашина ҳайдовчиси И.Бахромовнинг ўзи ҳам иштирок этганлигини, ҳолат юзасидан ИИБ ходимлари ҳайдовчи И.Бахромовдан йўл-транспорт ҳодисаси қандай содир бўлганлиги тўғрисида сўраганларида И.Бахромов бошқарувидаги автомашинада “Навоий-Бухоро” йўналиши бўйича 50-60 км/соат тезликда ҳаракатланиб келаётганда қарама қарши йўналишда келаётган автомашина ҳайдовчиси узоқни ёритувчи чироқларини ёққан вақтида 4-5 секунд кўзи қамашганлиги, кўзини очган вақтда пиёда йўлнинг чап томонидан ўнг томонига қараб ҳаракатланиб йўлдан ўтаётганлигини кўрганлиги ва автомашина тормоз тепкисини босиб автомашинани тўхтата олмай пиёдани уриб юборганлигини маълум қилганлигини, сўнгра улар мазкур ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар билан танишиб, имзолаб берганликлари ҳақидаги кўрсатувидан ташқари;

суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи И.Бахромовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, суд мажлисида текшириб чиқилган ва ошкора ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бўлган Қизилтепа туман марказий касалхона ҳамшираси Ш.Ғофурованинг Навоий вилоят ИИБ 102-тизимига берган хабарномаси (и.в.3);



- Р.Равшановнинг Навоий вилоят ИИБ 102-тизимига берган хабарномаси (и.в. 4);

- Ғиждувон туман марказий касалхона ҳамшираси Н.Нарзиеванинг Бухоро вилоят ИИБ 102-тизимига берган хабарномаси (и.в. 7);

- ҳодиса жойини, яъни Қизилтепа тумани, “Ғойибон” маҳалласи худудидан ўтувчи М-37 автомобиль йўлининг 207 км.ни кўздан кечириш баённомаси, илова чизмаси ва фотосуратлари (и.в. 8-16);

- РСТЭИАМНФ Қизилтепа туман СТЭБ эксперти Э.Қаландаровни маълумотномаси (и.в. 18);

- Навоий вилоят ИИБ ЭКМнинг 23.08.2024 йилдаги 521-сонли судга оид автотехника экспертиза хулосаси (и.в. 136-137);

- марҳум О.Қурбоновни ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари унинг ўлими сабаби билан бевосита боғлиқлиги тўғрисидаги 27.08.2024 йилдаги РСТЭИАМБФ Ғиждувон туман пунктининг 49-сонли мурдага оид экспертиза хулосаси (и.в. 147-154);

- гумон қилинувчи И.Бахромовни кўрсатувларини воқеа жойида текшириш тергов ҳаракати баённомаси, илова чизмаси ва фотосуратлари (и.в. 115-121) ҳамда гувоҳ Б.Қаюмовнинг тергов жараёнида берган кўрсатуви ва бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, ушбу далилларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси талабига мувофиқ баҳолаб, ҳар бирини ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб, уларни йиғиндисини эса ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилинган жиноятни содир этишда И.Бахромовни айблаш учун етарли деб топади.

Юқорида кўрсатилган барча далиллар жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ олинган бўлиб, дастлабки терговда И.Бахромовнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланган.

Шунингдек, суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан гувоҳ Б.Қаюмовнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви ўқиб эшиттирилди.

Жумладан, РСТЭИАМБФ Ғиждувон туман пунктининг 27.08.2024 йилдаги 49-сонли хулосасига кўра, марҳум О.Қурбоновнинг ўлими калла гумбаз ва асос суякларнинг синиши, бош мия, миячага, юмшоқ ва қаттиқ пардалар ҳамда тери остига қон қўйилиши сабабли рўй берганлиги, ушбу жароҳатлар йўл-транспорт ҳодисаси пайтида ҳаракатда бўлган автомашинанинг олдинги бўртиб чиққан қисмлари билан уриши ва ернинг қаттиқ сатҳига йиқилиб олиши натижасида келиб чиққанлиги, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, оғирлик даражаси бўйича тирик шахсларга ҳаётига хавф солувчи белгиларига кўра оғир тан жароҳати тоифасига кириши ва айни ҳолатда унинг ўлими билан тугаши қайд этилган.

Шунингдек, Навоий вилоят ИИБ ЭКМнинг 23.08.2024 йилдаги 521-сонли судга оид автотехника экспертиза хулосасида, қарорда келтирилган дастлабки маълумотлар асосида 50-60 км/соат тезликда ҳаракатланган “Кобальт” автомашина ҳайдовчисини кўзини қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган автомашинани узоқни ёритувчи чироқлари қамаштирган вақтда 4-5 секунд кўзи қамашган ҳолда ҳаракатланган, ҳайдовчи кўзи қамашган вақтдан ҳамда 73,8 метр узоқлик масофадан бошқарувидаги автомашинани ўз вақтида тормозлаб тўхтатиш йўли билан ҳодисани олдини олиш техник имкониятига эга бўлганлиги қайд этилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 13-бандида ҳайдовчининг йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишида, жумладан, ҳаракатланиш тезлигини оширганлиги натижасида, айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал этишда “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг талабларидан келиб чиқиш лозим бўлиб, ҳайдовчи транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, хусусан, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда бошқариши кераклиги;

шу талабдан келиб чиқиб, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқаш имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни камайтириш чораларини кўриши кераклиги;

24-бандида эса, йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (*ЖК 266-моддаси*) деганда, бундай ҳаракатларнинг транспорт воситаси йўлларда ҳаракатланиши жараёнида содир этилиши тушунилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судланувчи И.Бахромовнинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, одам ўлимига сабаб бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракати тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабига кўра, судланувчи И.Бахромовнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Бахромовга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагича тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида қайд этилган, Инсонпарварлик принципининг жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги;

ушбу кодекснинг 8-моддасида эса жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида эса, қонун тайинладиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига *(унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиши учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қопланганлиги ва ҳ.к)* ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи И.Бахромовга жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлиги, ёшини ва шахсини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчи экани, жабрланувчининг қонуний вакилининг унга нисбатан қонуний жазо тайинлаш тўғрисида даъвоси борлиги, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, эҳтиётсизлик оқибатида у томонидан унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган бўлса-да, бироқ содир этилган жиноят оқибатига кўра бир нафар инсоннинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши ҳамда олти нафар фуқаронинг турли даражадаги тан жароҳатлари олишларига сабабчи бўлгани, ўлим боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ушбу турдаги жиноятларни ошиб кетганлиги, унинг жиноят содир этишига сабаб бўлган шарт-шароитларини эътиборга олиб, шунингдек, суд келгусида бундан-да оғир оқибатларни олдини олиш, ҳуқуқий тарбиявий жиҳатларини ҳамда суд қарорини шаффофлигини таъминлаш мақсадини ҳам кўзлаб, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан, адолат, инсонпарварлик, қонунийлик тамойилларига риоя қилиб ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан



махрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 50-моддаси талабидан келиб чиқиб, жазони манзил-колонияларда ўтатиришни, ЖК 61-моддасининг 2-қисми тартибида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини алоҳида ижро этилишини лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган.

Судда, жабрланувчининг қонуний вакили М.Ҳосилова ўз кўрсатувида, 4 ёшга тўлган фарзандининг вояга етгунига қадар, яъни 18 ёшга тўлгунига қадар унга нисбатан судланувчи томонидан алимент тўлаб бориши ва етказилган моддий зарар сифатида 100.000.000 сўм ҳамда маънавий зарар сифатида эса 40.000.000 сўм ундириб беришни маълум қилиб кўрсатув берган.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Ҳосиловага келгусида судланувчи И.Бахромовни жиноий қилмиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш истаги туғилган тақдирда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, судга жабрланувчининг қонуний вакили А.Қурбонов томонидан акаси О.Қурбоновнинг шифохонада даволаниши билан боғлиқ, яъни ўз ҳисобидан олиб берган дори-дармонларни касса чеки (16 дона касса чеклари нусхалари) нусхаларини тақдим этди.

Аммо судда, жабрланувчининг қонуний вакили А.Қурбонов томонидан тақдим этилган касса чекларининг айримларида қандай турдаги дори-дармон олингани қайд этилмагани, бундан ташқари айрим касса чекларида кўрсатилган дори-дармонлар қандай касаллик бўйича сотиб олинганлигини аниқлашни имкони мавжуд эмас.

Шу боис, суд жабрланувчининг қонуний вакили А.Қурбоновга келгусида судланувчи И.Бахромовни жиноий қилмиши натижасида марҳум акаси О.Қурбоновни ҳаётлик даврида унинг соғлиғи юзасидан қилган харажатларини ундириш истаги туғилган тақдирда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Ашёвий далил деб эътироф этилган И.Бахромовнинг АF0903234-рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси ва АAG2255681-рақамли автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномани Қашқадарё вилоят ИИБ ЙХХБга юборишни ҳамда тергов ҳаракатлари тасвирга олинган бир дона “DVD” дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>, 498-500, 504<sup>2</sup>-моддаларига мувофиқ, суд

## Ҳ У Қ М Қ И Л А Д И:

Судланувчи **Бахромов Ислон Бахтиёр ўғли (Baxromov Islom Baxtiyor o'g'li)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш



ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил-колонияларда ўталиши белгилансин.

Жазо муддати 26.08.2024 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи И.Бахромовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” аслича қолдирилсин.

Судланувчи И.Бахромовга тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари ЖК 61-моддасининг 2-қисми тартибида алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Қурбоновга келгусида судланувчи И.Бахромовдан марҳум акаси О.Қурбоновни ҳаётлик даврида унинг соғлиғини тиклаш юзасидан қилган харажатларини ундириш истаги туғилган тақдирда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтирилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Ҳосиловага келгусида судланувчи И.Бахромовни жиноий қилмиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш истаги туғилган тақдирда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган И.Бахромовнинг АF0903234-рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси ва АAG2255681-рақамли автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномани Қашқадарё вилоят ИИБ ЙХХБга юборилсин ҳамда тергов ҳаракатлари тасвирга олинган бир дона “DVD” диск жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакиллари эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида ёки истақлари бўйича ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Ҳукм алоҳида хонада раислик этувчи томонидан “DELL” русумли компьютерда ёзилди.

**Раислик қилувчи**

*Ҳукм нусхаси аслига тўғри,  
раислик қилувчи судья*

**ИМЗО**

**А.Авезов**

*А.Авезов*

**Маъсул судья: Авезов Адиз Муродбекович**

